

#### **4-МАВЗУ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА УНДАН Фойдаланишни баҳолаш.**

1 Фермер хўжалигининг моддий-техникасини баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.

2. Мол-мулкдан фойдаланиш ҳолати, ҳаракати, таркиби ва ундан фойдаланишни баҳолаш.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланишини баҳолаш

4. Асосий воситалар таркиби, тузилиши ва динамикасини баҳолаш

5. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили.

6. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни ошириш имкониятлари

**Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** Маъруза, «ақлий ҳужум», намойиш этиш.

##### **1. Фермер хўжалигининг моддий-техникасини баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари**

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси – фан-техника янгиликларидан кенг кўламдан фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришидир. Масалан, деҳқончиликнинг моддий-техника базасини тавсифласак, уни моддий асосда, техника асосида, тракторлар ва машиналарни деҳқончиликда кўплаб ишлатиш, электрлаштиришни оммавий миқёсда амалга ошириш асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари; электр жиҳозлари; ёнилғи ва мойлаш материаллари, таъмир техникаси, ишлаб чиқариш бинолари, меторация ва йўл иншоотлари; алоқа воситалари; маҳсулдор ва ишчи ҳайвонлар; кўп йиллик дарахтлар; уруғлик; озиқ ва ҳоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси халқ хўжалигининг бошқа соҳалари моддий-техника базасига нисбатан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Юқорида айтганимиздек, айниқса, қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасида энергетика ресурслари катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизмлар ва ишчи ҳайвонлар қуввати йиғиндиси уларнинг энергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашиналар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи ҳайвонлар ва бошқа турдаги механизмлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли, тезюрар ва иқтисодий жиҳатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Бунга мисол қилиб, республикаимиз сотиб олаётган «Кейс» ва «Магнум» тракторларини кўрсатишимиз мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналарини юқори сифатли энергия қувватлари билан таъминламоқда.

Комплекс иқтисодий таҳлилнинг бу борадаги асосий вазифа-лари куйидагилардан иборат:

- корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланиш даража-сини аниқлаш;
- шартномадаги материал ресурсларини етказиб бериш муд-датларига риоя қилишини назорат қилиш;
- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- моддий ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини бел-гилаш;
- захира ва харажатларни самарали бошқарилишини ўрганиш.

Таҳлил этишнинг ахборот манбалари :

Моддий-техника таъминоти бўйича бизнес-режа; хом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома; моддий ресурслар мав-жудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги статистик ҳисобот; моддий-техник таъминоти бўлимининг тезкор маълумотлари ҳамда хом ашё ва материалларнинг кирими, сарфи бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бошқа манбалар.

## **2.Мол-мулкдан фойдаланиш ҳолати, ҳаракати, таркиби ва ундан фойдаланишни баҳолаш.**

Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш учун корхона хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслар билан етарли миқдорда таъмин этилиши керак. Материалларни белгиланган миқдорда, ассортиментда келиб туш-маслиги, муддатларини узайиши ишлаб чиқаришни тўлиқ қувват билан ишлашини таъмин этмайди. Шу билан бирга, ортиқча хом ашё захираларига эга бўлиш, маблағлар айланишини секинлаш-тиради, нақд пул маблағларининг етишмаслигига олиб келади.

Демак, комплекс иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири ишлаб чиқаришни нормал ташкил этиш учун корхонанинг оптимал миқдордаги моддий-техник ресурсларга бўлган талабини аниқлашдан иборат. Моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёж икки манба ҳисобига қондирилади.

- ташқи таъминот;
- ички таъминот.

Ташқи таъминот деганда хом ашё биржалари, кўрғазмалари орқали тузилган шартномалар асосида хом ашё, ёқилғи ва бошқа ресурсларни келиб тушиши тушунилади.

Ички таъминот, таъминот режасининг бажарилиши ички ре-сурслардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш, иқти-сод режимига риоя қилиш эвазига амалга оширилади.

Республика иқтисодиётининг шаклланишида лизинг кредитла-рини роли каттадир. Лизинг кредитларидан фойдаланиш учун дастлаб лизинг компаниялари ёки лизингни амалга оширувчи субъ-ектлари билан лизинг кредитлари бўйича шартномалар тузилади. Бунда уч томон қатнашиши мумкин.

Лизинг кредитини амалга оширувчи молиявий маблағга эга бўлганлиги учун моддий-техник ресурсларни ижарага берувчилар-дан олиб, уларни фойдаланувчиларга етказиб бериш билан шуғул-ланиши мумкин. Айрим ҳолларда эса моддий-техник ресурсларни тўғридан-тўғри ижарага берувчилар уларни ижарага олувчиларга етказиб беришлари мумкин. Бу масалалар шартномаларда батафсил ўз аксини топиши зарур.

Таҳлил давомида корхонани моддий ресурслар билан таъмин-ланиш коэффициенти аниқланади

$$K_T = \frac{M_x}{M_p};$$

бунда  $M_x, M_p$  – материалларни ҳақиқий тушуми ва материал-ларга бўлган талаб (шартнома).

Моддий ресурсларнинг меъёр захираси жорий ва муҳофаза (ҳар эҳтимолга қарши) захираларидан иборат.

$$Z_{\text{меъёр}} = Z_{\text{жорий}} + Z_{\text{муҳофаза}}$$

Жорий захира етказиб бериш интервали (Инт) кунда ва мате-риалларни бир кунлик сарфлари ( $C_{\text{кун}}$ ) кўпайтмасидан ҳосил бўлади.

$$Z_{\text{жорий}} = \text{Инт} * C_{\text{кун}}$$

Муҳофаза захиралари ишлаб чиқаришни узлуксиз давом эти-шини кафолатловчи, моддий ресурслар таъминотидаги узилишлар рўй берган ҳоллар учун зарур.

Моддий-техник таъминотни комплекс таҳлил этишда талаб-нинг шартнома бўйича қопланиши ва бажарилиши аниқланади.

### **3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланиши боҳолаш**

Асосий воситалар деб моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда ноишлаб чиқариш соҳасида узоқ вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ) ишлатиладиган, шунингдек ижарага бериш учун ҳам фойда-ланиладиган моддий активлар (5-сон БХМА 7-банди)га айтилади.

Асосий воситалар корxonанинг ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутуди, улар жамликда корхона таянадиган ишлаб чиқариш-техника базасини ташкил этади ва корxonанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони ҳисобланади.

Асосий воситалар ва корxonанинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш натижасида барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича юқори даражага эришилади, жумладан, маҳ-сулот ҳажми меҳнат унумдорлиги ўсиши туфайли ортади, унинг таннархи пасаяди. Экспорт ҳажмининг ортиши, маҳсулот рақобатбардошлиги корxonанинг замонавий илғор техника билан таъминланишига, иқтисодиётга йўналтирилган инвестиция ҳажмига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш жараёнларига бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга оид чоратadbирлар таъсири юқо-ри бўлмоқда. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари орасида корxonанинг хусусий маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортган ҳолда, давлат бюджети ва банкнинг марказлашган кредитларининг ҳиссаси кейинги йилларда қисқариб бормоқда.

Айниқса, асосий капиталга инвестициялар оқимининг қайта тақсимланиши билан боғлиқ бўлган саноат ва инфратузилма тар-моқларининг ривожланиши иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат асосий капиталга инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибининг ўзгаришига олиб келмоқда.

Асосий воситаларни таҳлил этишда корxonанинг асосий воситалар билан таъминланиши, асосий воситалар ҳаракати, техник ҳо-лати, улардан унумли фойдаланиш кўрсаткичлари ва ишга солин-маган имкониятлар аниқланади.

Асосий воситалар таҳлили бир неча йўналишларда олиб борилади ва асосий воситаларнинг тузилиши, динамикаси, улардан ҳамда узоқ муддатли

инвестициялардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда таҳлил натижаларига кўра баҳо берилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни ўрганишдаги таҳлилнинг асосий вазифалари:

– хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситалар билан таъминланишини аниқлаш ва унга баҳо бериш;

– асосий воситалар таркиби, тузилишидаги ўзгаришларни аниқлаш;

– асосий воситалар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва ўзгариш сабабларини аниқлаш;

– асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига омиллар таъсирини ҳисоблаш;

– ишлаб чиқариш асосий фондларидан самарали фойдаланишни ошириш имкониятларини аниқлаш.

Таҳлилнинг ахборот манбалари:

– “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” (3-сонли шакл);

– “Бухгалтерия баланси” (1-сонли шакл);

– Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишга туширилишига оид маълумот;

– Ишлаб чиқариш қувватлари баланси;

– Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланишга оид ҳисобот ва ҳ.к.

#### **4. Асосий воситалар таркиби, тузилиши ва динамикасини боҳолаш.**

Асосий воситалар фақат меҳнат воситалари бўлмай, балки корхоналарнинг моддий бойлиги ҳамдир.

У қийматга эга, шу боис мулк сифатида гаровга қўйиш мумкин. Бундан ташқари, корхона тугатилаётганда қарзларни узиш учун ўз маблағлари етишмаган ҳолларда ушбу кўчмас мулкни сотиш орқали қарзни узиш мумкин. Асосий воситалар мулк эгасининг бойлиги ҳисобланади. Улардан самарали фойдаланишдан давлат ва корхона манфаатдор. Чунки корхона самара натижасига кўра молиявий натижаси ортади. Даромад (фойда)дан эса солиқ тўлайди.

Асосий воситалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувига қараб:

– актив асосий воситалар;

– пассив асосий воситалар.

2. Фойдаланишига қараб:

– фойдаланишдаги асосий воситалар;

– захирадаги асосий воситалар.

3. Тури бўйича:

ер, бино иншоот, узатиш мосламалари, машина ва ускуналар, мебель ва офис жиҳозлари, компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш тех-никаси, транспорт воситалари, ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик ўсимликлар, бошқа асосий воситалар.

4. Мулкий эгалигига қараб:

– ўзига тегишли асосий воситалар;

– ижарага олинган асосий воситалар.

5. Ташкил топиш манбаи бўйича:

– ўз маблағлари ҳисобига;

– банк кредитлари ҳисобига;

– бошқа манбалар ҳисобига

Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганишдан таҳлил бошланади. Йил давомида асосий воситалар таркибида ўзгаришлар рўй беради. Шу боис улар таркибидаги структуравий ўзгаришларни атрофлича таҳлил этмоқ лозим.

Асосий воситаларнинг ҳар бир турини жами асосий воситаларда тутган улуши унинг структурасини ифодалайди. Структура ишлаб чиқаришнинг хусусияти, характери, ихтисослашув даражаси, технологиясига боғлиқ. Структурани таҳлил этишда асосий воситалардаги актив ва пасив қисмларнинг нисбатига эътибор қара-тилади. Ишлаб чиқариш ҳажми асосий воситаларнинг актив қисмига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уларнинг пасив қисми эса ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликка эга эмас, улар фақат ишлаб чиқариш учун шароит яратади, холос.

Иқтисодиётга оид адабиётларда асосий воситаларнинг актив қисми тўғрисида аниқ бир тўхтамга келинмаган. Бир гуруҳ иқтисодчилар бино ва иншоотлардан ташқари жами асосий воситаларни, иккинчи гуруҳдагилар машина ва ускуналар, транспорт воситаларини актив қисмга киритадилар. Бино ва иншоотлар асосий воситаларнинг пасив қисмига кирса ҳам, аммо электр қуввати, нефтни қайта ишлаш, газ ва бошқа соҳаларда иншоотлар актив қисм таркибига киради.

Демак, асосий воситаларнинг актив қисмига машина ва ускуналар, компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси, транспорт воситаларини киритиш мумкин.

Актив қисмининг юқори бўлиши фонд щыувчанлигини ифодалайди.

Бугунги кунда меҳнат қуролларини жалб этишнинг янги шакллари, масалан, лизинг ва ижаранинг бошқа шаклларида кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси” нинг 587-моддаси лизинг шартномасини қуйидагича шарҳлайди: “Лизинг шартномаси бўйича бир тараф – лизинг берувчи (ижарага берувчи) бошқа тараф – лизинг олувчи (ижарачи)нинг топшириғи бўйича учинчи тараф – сотувчи билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулкни харид қилиш учун битимга киришиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўлов-ларини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади”.

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-сонли шакл)да консервация қилинган асосий воситалар, узоқ муддатли ижара (лизинг)га олинган асосий воситалар тўғрисидаги маълумот-ларнинг ифодаланиши асосий воситаларни комплекс иқтисодий таҳлил этиш объектини янада кенгайтиради.

## **5. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили.**

Қишлоқ хўжалиги корхоналари да меҳнат воситаларига қуйидагилар киради: ер, бино, иншоотлар, куч ва иш машиналари ҳамда ускуналари, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор чорва, кўп йиллик кўчатлар ва ҳ. Бу ерда ҳам асосий фондлар саноатдаги каби ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш кабиларга бўлинади.

Меҳнат воситаларининг энг фаол қисми бу куч ва иш машиналари ҳамда ускуналари, транспорт воситалари (тракторлар, электр двигателлари, ерни қайта ишловчи машиналар, экиш ва ўтказиш машиналари, йиғим-терим машиналари) ва ҳ.

Бу ерда асосий фондлар билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалигида асосий фондларни таҳлил қилишнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини қўллаш билан боғлиқ бўлган айрим хусусиятлари мавжуд. Мисол учун, хўжаликнинг техника билан таъминланганлик кўрсаткичи битта ўртача рўйхатдаги машинага энерго қуролланганлик ва ишлар оғирлиги ҳисобланади. Уларнинг биринчиси битта от кучига тўғри келадиган, иккинчиси эса битта машинага тўғри келадиган шудгор ҳажмини тавсифлайди.

Энерго қуролланганликни аниқлаш учун тракторлар, комбайнлар ва ҳ.нинг ўртача рўйхат миқдорини уларнинг маркаси бўйича моторнинг от кучидаги тегишли қувватига кўпайтириш ва шудгор майдонига бўлиш лозим. Битта машинага оғирлик шудгор гектарларини битта машинага бўлиш орқали келиб чиқади. Оғирлик жисмоний бирликларда каби (машиналар маркаси бўйича), шартли бирликларда ҳам ҳисобланиши мумкин (15-кучли трактор, 15-футли комбайн).

Ҳисобот йилида энерго қуролланганликни ва битта машинага тўғри келадиган ҳақиқатдаги оғирликни режа ва ўтган йиллар кўрсаткичлари билан солиштира туриб, хўжаликнинг техника билан таъминланганлигида, кўшимча талаб қилинадиган машиналар миқдори ва турлари аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг муваффақиятли бажарилиши нафақат хўжаликнинг техника билан таъминланганлигига, балки машиналар қувватидан тўлалигича фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Бунда техникадан фойдаланиш самарадорлигини машиналарнинг турлари ва ҳаттоки маркалари бўйича амалга ошириш лозим.

Трактор паркидан фойдаланишнинг таҳлилида олдиндан ўртача йиллик машиналар сони ва тракторнинг ҳар бир маркасининг умумий иш маҳсулини жисмоний ва шартли бирликларда аниқлаш лозим. Машиналарнинг ҳар бир маркасининг ўртача йиллик сонини аниқлаш учун машиналарнинг бир йилда хўжаликда бўлиши кунларинининг умумий миқдорини 365га бўлиш лозим. Шартли тракторларнинг (15-кучли) ўртача йиллик сони бутун трактор паркининг тортиш қувватини 15га бўлиш орқали ҳисобланади. Тракторлар билан бажарилган ишлар юмшоқ ҳайдаш гектарларида кўрсатилади. Ишларнинг турли хилларини юмшоқ ҳайдаш гектарларига ўтказиш битта бирлигига 20-22 см. чуқурликдаги чимқирқарли омов билан эски ҳайдалган ернинг бир гектарини ҳайдашда тракторнинг тортиш қуввати қабул қилинган махсус коэффициентлар бўйича амалга оширилади.

Машиналарнинг хўжалик томонидан белгиланган унумдорлиги уларнинг вақт бирлигига фойдаланиш меъёрини ҳисобга олган ҳолдаги қувватининг ҳисоб-китоби билан асосланади. Трактор паркининг қувватидан фойдаланиш кўрсаткичи бўлиб, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ишларнинг (юмшоқ ҳайдаш гектарларида) ўша давр учун мумкин бўлган энг юқори иш маҳсулига нисбати ҳисобланади.

Машиналар қувватининг энг яхши қўлланилиши ҳисобига улар унумдорлиги ўсишининг заҳиралари таъсири қуйидаги учта йўналишда олиб борилади: ҳар бир шартли ва жисмоний тракторга тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули аниқланади, йил давомида ишланган машина-кун ва машина-сменалар миқдори аниқланади, яъни трактор паркининг вақт бўйича ишлатилиши, ва ўртача ойлик

(ўртача кунлик) иш маҳсули аниқланади. Тракторлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлаш учун қуйидаги жадвал тузилади.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида ширкат хўжалигида механизациялаштирилган ишлар бўйича бизнес-режа 11926 га.га ёки 7,8 %га бажарилмаган. Бу камайишга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатган:

Тракторлар ўртача йиллик сонининг ўзгариши:  $-1 \times 2141 = -2141$  га.

1. Мавсум учун шартли эталон тракторига тўғри келадиган иш маҳсулининг ўзгариши:  $-139,8 \times 70 = 9786$  га.

Омиллар мувозанати:  $(-2141) + (-9786) = -11927$  га.

Кейинги таҳлил шуни кўрсатадики, ширкат хўжалиги битта шартли эталон тракторига режадаги оғирликни бажарган ҳолда ишларнинг ҳақиқий ҳажмини 65та тракторлар билан бажариш уддасидан чиқди (140086:2141).

Комбайнлардан фойдаланиш ҳам шунга ўхшаш. Бунда битта ғалла йиғувчи ва маккажўхори йиғувчи комбайнга, лавлаги комбайнга, силос йиғувчи комбайнга, пахта териш комбайнига тўғри келадиган мавсумий ва кунлик иш маҳсули аниқланади.

2. Тракторлар ўртача йиллик сонининг ўзгариши:  $-1 \times 2141 = -2141$  га.

3. Мавсум учун шартли эталон тракторига тўғри келадиган иш маҳсулининг ўзгариши:  $-139,8 \times 70 = 9786$  га.

Омиллар мувозанати:  $(-2141) + (-9786) = -11927$  га.

Кейинги таҳлил шуни кўрсатадики, ширкат хўжалиги битта шартли эталон тракторига режадаги оғирликни бажарган ҳолда ишларнинг ҳақиқий ҳажмини 65та тракторлар билан бажариш уддасидан чиқди (140086:2141).

Комбайнлардан фойдаланиш ҳам шунга ўхшаш. Бунда битта ғалла йиғувчи ва маккажўхори йиғувчи комбайнга, лавлаги комбайнга, силос йиғувчи комбайнга, пахта териш комбайнига тўғри келадиган мавсумий ва кунлик иш маҳсули аниқланади.

#### 4. жадвал.

#### Трактор паркidan фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

№ т/р	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарк (+,-)
А	Б	1	2	3
1.	Эталон шартларга қайта ҳисобланган тракторларнинг ўртача йиллик сони	71	70	-1
2.	Шартли ҳайдашга қайта ҳисобланган жами бажарилган ишлар, га	152912	140086	-11926
3.	Мавсумда эталон шартли тракторга тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:1-қатор), га	2141	2001,2	-139,8
4.	Ишланган машина-кунлар сони	13977	12807	-1170
5.	Битта машина-кунга тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:4-қатор), га	10,9	10,9	-
6.	Ишланган машина-сменалар сони	17461	15731	-1730
7.	Битта машина-сменага тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:6-қатор), га	8,7	8,9	+0,9

8.	Сменалик коэффициенти (5-қатор:7-қатор)	1,25	1,23	-0,02
9.	Битта шартли тракторга машина-сменалар миқдори	245,9	224,7	-21,2

### **6. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни ошириш имкониятлари**

Асосий воситаларни комплекс таҳлил этишнинг асосий вазифаларидан бири – ишлаб чиқариш фондларидан унумли фойдаланишни ошириш имкониятларини аниқлашдир. Фонд қайтимини оширишнинг қуйидаги йўналишларини корхона учун тавсия этиш мумкин.

*Ташкилий йўналишлар бўйича:*

- асосий воситалар таркибини қайта қўриб чиқиш;
- ортиқча асосий воситаларни сақлаб турмаслик;
- жисмоний ва маънавий эскирган қисмларини ҳисобдан чиқариш;
- асосий воситалар амортизациясини ҳисоблашнинг корхона учун мақбул бўлган вариантини қўллаш.

*Техник йўналишлар бўйича:*

– ускуна ва дастгоҳларни таъмирлаш чораларини ўз муддати-да амалга ошириш;

- машина ва ускуна паркини янги техника билан кенгайтириш;
- компьютерлаштирилган машина ва ускуналар салмоғини ошириш;
- автоматлаштирилган тизимга ўтиш.

*Эксплуатация йўналишлари бўйича:*

- бир сменалик ва кўп сменалик;
- асосий воситаларни техник ҳолатини яхшилаш;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

### **Назорат саволлари**

1. Моддий ресурсларни комплекс таҳлил этишнинг мақсади ва вазифаларинималардан иборат?
2. Ташқи таъминот ва ички таъминот деб нимага айтилади?
3. Моддий ресурслар билан таъминланиш коэффициентлари қандай аниқланади?
4. Захира ҳолатини таҳлил этиш усуллари айтилинг.
5. Асосий воситалар деб нимага айтилади?
6. Асосий воситалар структурасини таҳлил этишдан мақсад нима?
7. Асосий воситалар ҳаракатини фойдаловчи коэффициентлар қандай ҳисоблаб топилади?
8. Асосий воситаларни яроқлилиқ ва эскириш даражалари қандай аниқланади?
9. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига нималар кирди?
10. Фонд қайтимини таҳлил этиш услубини тушунтиринг.
11. Ишлаб чиқариш ускуналаридан экстенсив, интенсив ва ин-теграл фойдаланиш коэффициентлари қандай ҳисоблаб топилади?
12. Фонд қайтимини ошириш резервларига нималар кирди?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2008. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
2. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ. 2003.
3. Саматов Г.А, Рустамова И.Б. Лойиҳалар таҳлили фанидан амалиёт дарслари учун услубий қўлланма. Тошкент 2008. 63 б.